

**Хайрли ишлар
мавсумий эмас,
доимийлик касб этган**

2-с.

**“Қалқон” – шараф,
фидокорлик, тартиб ва
ички интизом рамзи**

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил
9 МАЙ,
ЖУМА**

Маҳалла

**№39
(2263)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

Ўзбекистон халқига байрам табриги

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, кўп-миллатли бутун халқимизни қутлуғ айём – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг юксак ҳурматини ва эзгу тилакларини билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу ҳаяжонли, айна пайтда изтиробли дамларда инсониятни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон аждодларимизни ёд этиб, уларнинг ёрқин хотираси олдида таъзим қиламиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда олтинга тенг дуолари, маслаҳатлари билан фаол иштирок этиб келаётган мухтарам уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида қутлов ва ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, тинч ва фаровон ҳаёт посбонлари улуғнадиған ушбу мунаввар айёмда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Азиз дўстлар!

Башарият тарихидаги энг даҳ-

шатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-юртимиз бошига солган оғир мусибатлар, мислсиз қулфат ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Бу – замон ва макон чегарасини билмайдиган чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир.

Бундай муаззам, шонли зафарга муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Кейинги йилларда жонкуяр олим ва мутахассисларимизнинг илмий изланишлари туфайли Иккинчи жаҳон уруши тарихининг янги саҳифалари билан танишмоқдамиз.

Хужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиғи концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар орден ва медаллар билан мукофотлангани, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак

унвонга, 70 нафардан зиёди учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз вакиллари томонидан уруш майдонларида кўрсатилган жасорат ва матонатнинг юксак амалий эътирофидир.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айлангани, республика-миздан жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, ку-рол-яроғ, дори-дармон, кийим-ке-чак, озик-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилгани ўша суронли даврнинг яна бир унутилмас саҳифасини ташкил этади.

Уруш олови ичида қолган худудлардан юртимизга 170 дан ортик завод ва фабрика кўчириб келтирилди, қисқа муддатда 280 та янги қорхона бунёд этилди.

Халқимиз ғоят оғир ва мураккаб шароитда уруш худудларидан ўлка-мизга олиб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болани бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатди.

Тарих китобига муҳрланган бундай мисолларни бугун яна бир бор эсга олар эканмиз, ҳар қандай ва-зиятда ҳам инсоний эътиқодига со-дик қолган олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг буюк гуманистик

фазилатларига таҳсин ва тасанно-лар айтмамиз.

Қадрли ватандошлар!

Сўнгги йилларда қаҳрамон аждодларимизнинг ҳаёти ва фа-олияти, мардлик ва матонатини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли анъана-лари руҳида тарбиялаш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи, худуд-лардаги “Ватанпарвар” боғлари муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу та-баррук масканлар қисқа муддатда барча юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун қутлуғ зиёрат-гоҳларга айланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз-нинг давоми сифатида Ғалаба боғи худудида она юрт қалқонлари ша-рафига барпо этилган яна бир та-рихий ёдгорлик – Миллат фидойи-лари мажмуаси ҳам, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органла-ри ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйил-ган ушбу муҳташам бадийи обида эл-юртимиз чин дилдан интила-диган ушбу муҳташам бадийи обида эл-юртимиз чин дилдан интила-диган ва фахрланадиган яна бир мўътабар маскан бўлиб қолади.

Хурматли дўстлар!

Бугунги кунда “Инсон қадр

рлар кўрсатилмоқда.

Албатта, биз бугунги тинч, озод ва эркин ҳаёт учун ўзининг азиз жо-нини ҳам аямасдан курашган бун-дай фидойи инсонларнинг олдида доимо қарздормиз. Улар бундан буён ҳам давлатимиз ва жамияти-мизнинг меҳрини, эътиборини ҳис қилиб яшайдилар.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёри-миздаги тинчлик ва барқарорлик-ни, миллатлар ва динлараро ахил-лик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳамиша ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу унутилмас айёмда сиз, азизларни, мухтарам фахрийлари-мизни, бутун халқимизни яна бир бор самимий табриклар, барчангиз-га сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

давлар кўрсатилмоқда.

Албатта, биз бугунги тинч, озод ва эркин ҳаёт учун ўзининг азиз жо-нини ҳам аямасдан курашган бун-дай фидойи инсонларнинг олдида доимо қарздормиз. Улар бундан буён ҳам давлатимиз ва жамияти-мизнинг меҳрини, эътиборини ҳис қилиб яшайдилар.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёри-миздаги тинчлик ва барқарорлик-ни, миллатлар ва динлараро ахил-лик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳамиша ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу унутилмас айёмда сиз, азизларни, мухтарам фахрийлари-мизни, бутун халқимизни яна бир бор самимий табриклар, барчангиз-га сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

УЮШМА КУНДАЛИГИ

УЮШМАДА ЖАҲОН БАНКИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Жаҳон банкининг “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича миссияси вакиллари билан расмий учрашув бўлиб ўтди.



Учрашув аввалида меҳмонларга Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, маҳалла институтининг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Уюшма ва Жаҳон банки вакиллари “Қишлоқ инфратузил-масини ривожлантириш” лойиҳа-сининг навбатдаги босқичида Ўзбекистон маҳаллалари уюш-маси иштирокини таъминлаш масаласини муҳокама қилишди.

Учрашув якунида томон-лар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, аниқ лойиҳа-ларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан доимий мулоқот ва ҳамкорликни давом эттиришга қилишди олдилар.



ИНСОН ХОТИРА БИЛАН ТИРИК, ҚАДР БИЛАН УЛУҒ!

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюриб, хотира маросимида иштирок этди, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари боғда ўрнатилган “Хотира нури” композициясини ҳам кўздан кечирди. У Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган ўзбекистонлик қаҳрамон-лар хотирасига бағишлаб барпо этилган. Монумент парвоз қила-ётган икки қуш шаклида бўлиб, катта ва ёш авлодлар ўртасидаги ворисийликни ифода қилади.

Президентимиз Ғалаба боғидаги “Миллат фидойилари” ҳиёбонида бўлди. Ушбу ёдгорлик мустақиллик йилларида мамла-катимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари хо-димларининг хотирасига бағиш-ланган. Давлат раҳбари шу ерда марҳум ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан учрашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti қатнашчиларини зиёрат қилиб, байрам билан табриклади. Нуронийлар юртимизда тарихий хотира улуғлангани, кексаларга катта ҳурмат-эътибор кўрсатила-ётганини айтиб, дуолар қилишди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари сана муносабати билан 2025 йилда учта муҳим ҳужжатга имзо чекди.

“Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги Прези-дент қарорига асосан, бу йилги байрам “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамон-лик унутилмайди” шиори остида ўтказилапти. Унга кўра, уруш қатнашчиларининг яшаш жойлари

таъмирланипти, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилапти, доимий равишда патронаж хиз-мати йўлга қўйилган, санаторий-ларга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

“Иккинчи жаҳон уруши қат-нашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Президент фармо-нига кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 минг АҚШ доллари, ушбу тои-фага тенглаштирилган шахсларга 25 миллион сўм, меҳнат fronti қатнашчиларига 3 миллион сўм-дан бир марталик пул мукофотла-ри берилмоқда.

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медалини таъсис этиш тўғрисида”ги Президент фар-монига биноан, эсдалик юбилей медални таъсис этилди.

БУГУНГИ СОНДА:

Изланиш, интилиш йўқ жойда натижа ҳам бўлмайди

“Маҳалламизда 4 800 на-фар аҳоли яшайди, Афсона, Авдени, Янгибод, Ибн Сино ва Кўргонтепа қишлоқла-ридан иборат. Йил бошида ижтимоий муҳофазага муҳтож оила 16 тани таш-кил этиб, ишсиз ва мигра-циядагилар 200 нафардан зиёд эди. Бу – имкониятлар-дан самарали фойдаланиш-ни тақозо этарди”.

2-с.

“Ҳар бир хонадон – оилам, ҳар бир инсон – яқинимдек...”


“Ижтимоий ходимлар малакасини ошириш учун “Тажриба алмашинув куни” тайинланса, яхши бўларди. Ўзаро тажрибалар билан ўртоқлашиб, амалий тадбир-ларни йўлга қўйиш бўйича билганларимизни бир-бири-мизга ўргатиш, албатта, ижобий натижаларга эри-шишимизга замин яратарди”.

6-с.

Чет элдаги “бойвачча”дан ўзимизнинг “қоракўз” афзал

Қизини хорижга узата-ётганини кўз-кўз қилиб мактанаётган ота-оналар борлигига ҳам гувоҳ бўля-миз. Бир пайтлар қизлар бир вилоятдан бошқа вилоятга турмушга чиқса таажжубланарди. Бунақа воқеалар камдан-кам ҳо-ларда учрарди. Хорижликка турмушга чиқиш ҳақида эса умуман гап йўқ эди...

7-с.



Президент Шавкат Мирзиёев 8-9 май кунлари АМАЛИЙ ТАШРИФ билан Россия Федерациясида бўлади.



Давлатимиз раҳбари Германиянинг янги ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ этиб сайлангани муносабати билан Фридрих Мерцни табриклади.



Президент фармонига кўра, Таълим сифатини таъминлаш МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ташкил этилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЖАРАЁН

ЭКСПОРТЁР КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси вакиллари иборат ишчи гуруҳи Фарғона шаҳрининг "Мустақиллик" маҳалласидаги "еттилик" ходимлари фаолияти билан танишди.



Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Жараёнда аҳоли томорка-сидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ва қўшимча иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар ижобий баҳоланди.

— Дарҳақиқат, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини оширишда маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш муҳим ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адхамжон ЗИЕВИДДИНОВ. — Бу борада Фарғона шаҳридаги маҳаллаларда яхши тажриба тўплаган. Жумладан, "Мустақиллик" маҳалласидаги "Тантана"

текстиль ишлаб чиқариш корхонасида айни вақтда 170 та иш ўрни яратилган. Жорий йил якунига қадар яна қўшимча 100 та иш ўрни яратиш белгиланган. Корхонанинг йиллик қуввати бир миллион донга трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган. 2024 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларга 24 миллиард сўмлик, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида 6 миллиард сўмлик маҳсулот экспорти амалга оширилди.

Корхона масъуллари билан мулоқотда қўшимча иш ўрни яратиш бўйича режалар тақдими ўтказилди. Тадбиркорнинг муаммолари ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатиш борасида келишиб олинди.

ХАЙРЛИ ИШЛАР МАВСУМИЙ ЭМАС, ДОИМИЙЛИК КАСБ ЭТГАН

МАМЛАКАТИМИЗДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИАТДАГИ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ МАҚСАДИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИ ИШСIZЛИК, ЖИНОЯТЧИЛИК, ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШ, КАМБАГАЛЛИК ВА МИГРАЦИЯДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНТИРИШГА КАТТИК БЕЛ БОҒЛАГАНМИЗ.



Уйғун ҲОТАМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

Айниқса, "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий этишга алоҳида эътибор беряёмиз. Шу йўналишда кўрик-танлов ташкил этилиб, унинг маҳаллалар-аро босқичида 3 мингдан ортиқ хонадон "Обод хонадон" мезони бўйича, 4 мингдан ортиқ кўчабошилари "Обод кўча", 239 та маҳалла "Обод маҳалла" номинациясида ўзаро бахшланди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги 239 та маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доимийлик касб этган. Шу кунгача 161 та қабристон ободонлаштирилди, 723 та кўчада "Обод кўча" мезони бўйича кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 1 минг 967 та кўп қаватли уй-жойнинг атрофи ҳамда 54 та болалар майдончаси тартибга келтирилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож 812 нафарига тегишли ёрдам берилди.



"Маҳалла еттилиги"га масъул бўлган идора ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда 32 та маҳаллага янги бино қуриш, 14 тасини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш белгилаб олинди.

Жумладан, Мирзаобод туманидаги "Тошкент" маҳалласида 1 та кўприк замонавий шаклга келтирилди. "Обод хонадон" йўналишида 16 минг 27 та хонадоннинг ташки девори, 17 минг 810 тасининг ошхонаси, 19 минг 830 тасининг тандирхонаси, 11 минг 545 тасининг қўшимча хўжалик хоналари таъмирланди. "Яшил макон" умум-миллий лойиҳаси доирасида бир миллион дондан ортиқ мевали ва манзарали дарахт, бутта ва гул кўчатлари экилди. Шу билан бирга, 1,6 мингта камбағал оилага жами 12,9 минг донга кўчат ва қаламча

етказиб берилди. 18,3 минг гектар томорқа ер майдонининг 12,2 минг гектарига экин экилди.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида томорқа ерларини суғоришни яхшилаш учун 44 та объектда ишлар алоҳида назоратга олинди. Жумладан, суғориш тизимини яхшилаш мақсадида 6 донга насос ўрнатилди, 24 донга артизан қудуқ, 6,6 км. ариқ қазилди. 14 км. ички йўл таъмирланди. Электр таъминоти яхшиланиб, 239 та таянч устун ўрнатилди, 4,5 км. электр тармоқ тортилди.

Ободлик бор жойда, файзу барака, ривожланиш бўлади. Муҳими, бу хайрли ишлар мавсумий эмас, доимийлик касб этмоқда. Бошқарма вакиллари томонидан тозалик ва ободонлаштириш ишлари, ерларнинг шудгорланиши, кўчатлар парвариши ҳамда "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида хонадонларда амалга оширилаётган ишлар ўрганиб борилмоқда. Ўрганиш натижалари бўйича масъулларга, хусусан, "маҳалла еттилиги" аъзоларига зарур кўмак берилмоқда. Аҳоли яшаш хонадонлари, кўчаларнинг кўрам қиёфага кириб, фаровон турмуш учун барча қулайликлар яратилаётгани фуқароларимиз кўнглида эртанги кунга ишонч уйғотиб, шукроналик ҳиссини мустаҳкамлапти.

Нурзида ГАВҲАРОВА. Гурлан тумани:

— Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, боқувчиси бўлмаган эҳтиёжман хотин-қизлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши кўрсатилган. Яқинда турмушдан ажрашганман. Шу вазиятда юқоридаги имтиёздан фойдалана оламимми?

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа маркази раҳбари:

— Қонунчиликда турмушдан ажралган аёл боқувчисини йўқотган, деб ҳисобланмайди. Турмуш ўртоғи вафот этган аёл боқувчисини йўқотган, деб аталади. Агар аёлнинг расман никоҳда

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАР БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН АЁЛ ҲИСОБЛАНАДИ?

бўлган турмуш ўртоғи вафот этган бўлса, у боқувчисини йўқотган шахс саналади.

Турмушдан ажрашган аёл ижтимоий ҳолатига кўра, фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаётган, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ёки оилавий ҳолатига кўра, бошқа бир ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифага киради.

Изланиш, интилиш йўқ жойда натижа ҳам бўлмайди

Маҳаллаларни инсонликдан, камбағалликдан, оилавий ажраллиқлардан, меҳнат миграцияси ҳамда жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш борасида давлат томонидан барча имконият яратиб берилган. Фақат одамда изланиш, интилиш, ташаббус бўлиши керак. Буни маҳалламиз мисолида кўриш мумкин.

Уйғун ИМОМОВ, Пешку туманидаги Ибн Сино номидаги маҳалла раиси.

Жами 4 800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган фуқаролар йиғини Афсона, Авдени, Янгиобод, Ибн Сино ва Қўрғонтепа қишлоқларидан иборат. Йил бошида ижтимоий муҳофазага муҳтож, камбағал оила 16 тани ташкил этиб, ишсиз ва миграциядагилар 200 нафардан зиёд эди. Бу — имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо этарди. Шу боис дастлаб томорқачиликни ривожлантирдик. Худудда етакчи тадбиркор Мустақим Тошев таъсисчилигидаги "Peshku Mixed Agrokulture tomorqa xizmati" масъулияти чекланган жамияти таъминотчи ва буюртмачи сифатида деҳқон хўжаликларига бириктирилди.

Аваллари ширин-шакор қовун етиштиришда етакчи эдик. Бугунга келиб ана шу аънанани тиклаш борасида селекцияга, кўчатчиликка эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Шухрат Фармонов 12 сотихли иссиқхонада



Икки-уч йил аввал аҳолига тарқатилган унумдор экин ери ҳисобидан 2 140 нафардан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди.

оила аъзолари ва ўнга яқин ишчиларнинг бандлигини таъминлаган. 2015 йилдан буён ҳар йилги қишқи мавсумда помидор, бодринг, булғор қалампери, бақлажон уруғидан кўчат тайёрлаб сотади. Бундан ташқари, сара навли, маҳаллий иқлимга мос қовун-тарвуз уруғини кўчат ҳолига келтириб, атрофдаги ўнлаб иссиқхона хўжаликларига буюртма асосида етказиб беради. Эътиборлиси,

кўчатчилик фаолиятдан топаётган даромади йилга 1 миллиард сўмдан кам эмас. Бир йилда елим халтачаларда 1 миллион туп атрофида помидор, бодринг, бақлажон, булғор қалампери каби кўчатлардан ўстирса, 500 минг тупдан кам бўлмаган қовун-тарвуз кўчатини етиштириб, тарқатмоқда.

Маҳалладан ўтувчи "Шимоллий тармоқ-5" ҳавзасида 500 донга ўрдақ парваришланаётгани эътиборга молик. Бу ўрдақлар водий вилоятдан 50 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига олиб келинди. Ҳар бирининг нархи — 100 минг сўм. Ҳозир уларнинг сони 800 тага етди. Парранда-боқар Пахлавон Раҳматуллаев ўрдақ парваришини рисоладагидай олиб бормоқда. Эътиборлиси, 13 ойлигидан тухумга кириб, бир йилда 144 донгача маҳсулот беради. Улар жуда харидор-гир. Ҳар ойда 10-12 миллион сўм атрофида даромад келтирмоқда. Шу боис, ўрдақлар инкубация шароитида кўпайтириляпти. Наим Саидов хонадонда

асаларичилик фаолиятини йўлга қўйган. Асалари оиласи сони 90 тага етказилган бўлиб, ҳар бир қутидан 12-14 килограмм атрофида бол йиғиб олади. Йилга икки марта — жами 3 тонна маҳсулот олинапти. Йиллик даромад — 200 миллион, соф фойда — 150 миллион сўмга етмоқда. Уч кишининг бандлиги таъминланган.

Еш мутахассис Азизбек Турсунов етакчи тадбиркор сифатида иссиқхонада етиштирилган сабзавот-поллиз ва цитрус меваларини талаб даражасида сақлаш учун музлаткич омбор қуриб, фойдаланишга топширди. У икки камерали бўлиб, сизими — 126 метр квадрат. Ҳар бир камера 80 тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга. Омборхонада олма, узум, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилган.

Ўвуҳ бўлганингиздек, аҳоли ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, янгиликка интилиши боис кундан-кунга худудимиз обод бўлиб, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда.

ИБРАТ



Ўзбекистонда
Тиббиёт соҳасини
баҳолаш
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
ташкил
этилади.



ҲУКУМАТ
ҚАРОРИ
билан
Энергия самардорлиги
миллий агентлиги
вазифалари
белгиланди.



Президент
имзолаган
фармонга асосан,
2025/2026 ўқув
йилидан таълимнинг
сиртки шаклига ҚАБУЛ
ТУГАТИЛАДИ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЭКСПОРТ УЧУН РАВОН ЙЎЛ, ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЗАРУР

Халқимизда сув чиқарган, кўприк қурган ва йўللарни обод қилган инсонлар катта савобга эга бўлиши ҳақида ҳикमतлар кўп.



Тўрақўрғон туманидаги "Катта кўрғонча" маҳалласида аҳоли вакиллари ташаббуси билан ички йўллар асфальтланмоқда.

— Маҳалланинг Муборак кўчасида 100 та хонадон бўлиб, уларда яшовчилар, асосан, мева-сабзавот экспорти билан шуғулланади, — дейди маҳалла раиси Рўхиддин Эргашев. — Ҳозир айни мавсум бошланган палла. Демак, уларга, аввало, равон йўл ва қулай шароит зарур. Шу боис яқинда туман ҳокимлигининг кўмаги билан электр таъминотини яхшилаш учун 15 та бетон таянч, замонавий кўча чироқлари ўрнатилиб, 110 метр тармоқ тортилганди. Энди 1 километр йўл ҳомийлик асосида асфальтланди. Бу халқимизнинг аҳил ва шукроналик билан ҳаёт кечираётганини ифодасидир.

Этиборлиси, ташаббусдан руҳланган кўшни маҳаллаларда ҳам аҳоли уюшқоқлик билан инфратузилмага доир муаммоларга ечим топмоқда. Узаро ҳамкорликда, хашар орқали ҳудудлар обод бўлмоқда.



МАҲАЛЛА КЎМАГИДА

Хаваскорликдан бошланган ҳаракат йирик оилавий бизнесга айланди



Маҳалла ёрдами билан хаваскорликдан бошланган ҳаракат бугун йирик оилавий тадбиркорликка айланди.



Ҳудудда 2 547 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўсиш нуқта — боғдорчилик ва деҳқончилик. Ичимлик сув йўқлиги учун аҳоли қийналарди. Ниҳоят, муаммога ечим топилди.

Исломжон МЕЛИЕВ,
Бешарик туманидаги
"Дўстлик" маҳалласи
ҳокими ёрдамчиси.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида маҳаллада бир донга суғориш кудуғи қуриш ва икки километр узунликдаги сув йўлини таъмирлаш белгиланган эди. Бу ишлар учун бир миллиард етти юз миллион сўм маблағ сарфланиб, сув кудуғи фойдаланишига топширилди.

Маҳаллада бирор қарич бўш ер ёки бирорта бекорчи одамни топа олмайсиз. Мисол учун, Қўқон давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида қарашли майдондан 220 та



Янгиликка интилувчан ака-укалар қишнинг қаҳратон кунлари гуллар остидан, халқ тилида "иссиқ пол" дейиладиган услубни қўлади. Гуллар тагига қувур ўтказилган. Унинг ичида мунтазам иссиқ сув айланиб туради. Бу усул яхши самара беради. Шу орқали гуллар совуқдан асралади.

хонадонга камида 1 гектардан ер ажратилган. Фуқаролар ижара асосида деҳқончилик қилади. Шу орқали 500 та иш ўрни яратилган.

Кўп оилалар гулчиликдан яхши даромад топади. Масалан, Шухрат Хўжакулов 15 сотих томорқадан йилига 500 миллион сўм фойда кўрмоқда. Фаолиятини 3 сотих томорқага иссиқхона қуришдан бошлаган. Бир сотихига 30 минг донга гул уруғи экиб, қолганига бодринг, помидор кўчатлари қадаган. Албатта, бошида осон бўлмади. Аста-секин тажриба тўпланди. Маҳалла яқин кўмакчига айланди. Натижага яраша фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида уларга 2022 йилда 66 миллион сўм кредит ажратилди. Иссиқхона 5 сотихга кенгайтирилди. 2023 йилда яна шунча маблағ эвазига майдон 15 сотихга етди. Ўтган йили "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Президент қарори асосида 200 миллион сўм маблағ олишига кўмаклашди. Гувоҳ бўлганингиздек, маҳалла ёрдами билан хаваскорликдан бошланган ҳаракат бугун йирик оилавий тадбиркорликка айланди.

Фаолият кенгайган сари, гулчиларнинг кўшимча экин



ерига эҳтиёжи ортди. Бу борада ҳам уларга ёрдам бердик. Туман ҳудудидан 2 гектар ер ажратилди. Меҳнатлар бесамар кетмади. Эгасининг меҳрини ҳис қилган ер гулчиларга саховатини аямади. Гулчи ака-укалар бир мавсумда 700 минг донга 30 хилдан ортиқ гул кўчатлари етиштиради. Муҳими, 20 нафар маҳалладоши шу ерда доимий иш билан таъминланган.

Соҳада насл, яъни уруғнинг табиати муҳим. Танаси бақувват, узок вақт очилиб тура оладиган, чиройда мафтунок гуллар бутун дунёда қадрланади. Шунинг учун Шухратжон синовдан ўтган сара уруғларни Голландиядан келтиради. 50 турдан ортиқ хонаки ҳамда 20 хилдан зиёд кўчаларга экиладиган мавсумий гуллар бор. Пеларгония, геран, қора шахзода, бегония, шафран, бананза, Хитой атиргули шулар жумласидан.

Оилавий тадбиркорларнинг режалари улкан. Иссиқхонада уруғни ўзи етиштирадиган бўлима ташкил қилишмоқчи. Янгиликка интилувчан ака-укалар қишнинг қаҳратон кунлари гуллар остидан, халқ тилида "иссиқ пол" дейиладиган услубни қўлади. Гуллар тагига қувур ўтказилган. Унинг ичида мунтазам иссиқ сув айланиб туради. Бу усул яхши самара беради. Шу орқали гуллар совуқдан асралади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ИШ ҲАҚИНИ УНДИРИШ БЎЙИЧА ДАЪВО МУДДАТИ ҚАНЧА?

Нурбек ҒУЛОМОВ,
Тўрақўрғон тумани:

— Мен ишлаб келаётган ташкилотда жорий йил январь ва февраль ойлари иш ҳақимни ололмадим. Шу боис суд тартибиде ҳаққимни талаб қилмоқчиман. Қонунчиликка кўра, иш ҳақини ундириш бўйича судга даъво киритиш муддати қанча?



Абдорбек ЭЪЗОХОНОВ,
"Мадад" ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу саволга Меҳнат кодексига батафсил жавоб берилган. Кодекснинг 560-моддасида иш ҳақини ундириш юзасидан даъво қилиш — ходим ўзининг ҳуқуқи бузилгани тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан 6 ойлик муддат амал қилиши

белгиланган.

Сиз шу 6 ойлик муддат ичида судга даъво қилиб, нафақат икки ойлик иш ҳақингизни, балки Меҳнат кодексининг 333-моддасида белгиланган тартибда ойланингиз кечиктирилган ҳар бир куни учун Марказий банкнинг ўша вақтдаги қайта молиялаш ставкасининг ўн фоизи миқдорда пуллик компенсацияни ҳам ундириб олишингиз мумкин.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Баҳор ёмғири бошоқли дон экинлари учун фойдали

Баҳорги ёмғир бошоқли дон экинлари учун жуда фойдали. Ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантиради. Тупроқдаги намлик миқдорини оширади, бу ғалла экинларининг фаол ўсишига ёрдам беради. Ўғит ва минералларнинг яхши сингишига кўмаклашади.



Агар баҳор қурғоқчил келса, бу дон экинлари учун жуда хавфли бўлиши мумкин. Ёмғир хавфни камайтиради ва ўсимликларни сувсизликдан ҳимоя қилади.



айрим касалликларнинг (масалан, занг ва кулгун) авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун агротехника тадбирларини тўғри олиб бориш муҳим.

ҚОВОҚ ЭКИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ!

Қовоқ уруғи апрель ойининг охири, май ойининг бошларида гектарига 4-6 кг. миқдорда экилади. Уруғлар

10-15 даражада униб чиқадди, 20-30 даража ҳароратда меъёрда ривожланади. Навига қараб, 110-140 кунда пишиб етилади. Ниҳоллар униб чиққани-

дан 20-25 кун ўтгач, 2-3 чинбарг пайдо бўлгандан кейин биринчи чопиқ қилинади. Дастлабки сув берилиб, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Усув даврида қатор оралари 4-5 марта чопиқ қилинади. Тупроқ намлигини суғориш олдида энг кам нам сифмига нисбатан 75-80 фоиз сақлаш талаб қилинади. Бир сотихга 4-5 метр куб меъёрда 5-6 марта сув бериб, тупроқнинг шу даражада нам бўлишига эришилади.

Қовоқ ҳосилига илдиз чирши, сўлиш, ун шудринг касалликлари ҳамда полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оққанот кабилар зарар етказиши. Зараркунданларни кимевий усулда йўқ қилиш мумкин.

Рустам НИЗОМОВ,
Сабзавот, полиз экинлари
картошқачилик илмий-
тадқиқот институти
директори.

Ёмғир ёғиши натижасида ўғитлар яхши эрийди ва самарали ўзлаштирилади. Ҳосилдорлик ошади. Кўп бошоқли экинлар, хусусан, буғдой ва арпа баҳорда тез ўсади. Шу боис ёмғир уларга

етарли намликни таъминлаб, ҳосилнинг кўпайишига ҳисса қўшади.

Намлик тупроқнинг таранглигини камайтиради, уни юмшатади ва илдиз тизимига ҳаво киришини таъминлайди. Қуруқчиликнинг олдини олади. Агар баҳор қурғоқчил келса, бу дон экинлари учун жуда хавфли бўлиши мумкин. Ёмғир хавфни камайтиради ва ўсимликларни сувсизликдан ҳимоя қилади.

Шу билан бирга, ҳаддан ташқари кўп ёмғир ёғиши



Ўзбекистонда “ТИББИЁТДА 90 КУНЛИК ЎЗГАРИШЛАР” дастури бошланиши эълон қилинди.



Ўзбекистонда вояга етмаганлар банкларда ҳисобрақамлари ва банк карталарини очиши бўйича ТАЛАБЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ.



Ер ости сувларидан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланганлик учун ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

“Тадбиркор ва ишбилармонларга кўмак бериш — устувор вазифамиз”



Солиқ тизимидаги узоқ йиллик самарали меҳнатларим ва юқори натижаларим учун “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирландим.



Менга бириктирилган мазкур маҳаллалар қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Бу ерда 12 та сабзавотчилик ва боғдорчилик ҳамда 9 та пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжалиги, шунингдек, 30 сотихдан ер олган ишсиз фуқаролар ва ёшлардан иборат 278 та деҳқон хўжалиги бор.

Мархабо АҲМЕДОВА, Бўка туманидаги “Кийикчи” ва “Рамадон” маҳаллалари солиқ инспектори. “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони соҳибаси.

Худудда етиштирилётган турли хил меваларнинг бир қисми қўшни маҳалладаги “Агро инвест” кўшма корхонасида қайта ишланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми чоршанба ва яқшанба кунини бўладиган ёйма бозорда сотилади. Харидорларнинг катта қисми Нурафшон шаҳри, Бекобод ва Оққўрғон туманларидан келишади. Бу соҳада даромад яхши.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилгандан сўнг солиқ ходимлари халқ ичига кириб борди. “Маҳалла еттичилиги” аъзолари билан аҳоли турмуш тарзини ўрганиб, камбағалликни қисқартиришда фаол иштирок этяпмиз. Шунингдек, “еттилик” ҳамкорлигида хатловлар ўтказилиб, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳолига солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумотлар беряпман. Тадбиркорларга ўз фаолиятини йўлга қўйишда, дастлабки бухгалтерия ишини юритишда, кичик тадбиркорлик субъектларини йириклаштириш ва қўшимча манбаларни жалб қилган ҳолда солиқ базасини кенгайтириш



бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Натижада савдо-сотик, ишлаб чиқариш, маиший ва техник хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳалари ривожланди.

“Кийикчи” маҳалласида парфюмерия ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиб, бир қанча ишсиз фуқаролар иш билан таъминланди. Жорий йилда вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган уч нафар тадбиркорга кредит ажратилиб, фаолияти қайта тиклашга эришилди. Норасмий ишлаётган 11 нафар фуқаронинг иши қонунийлаштирилди.

2024 йилда жами 2 миллиард 101 миллион сўм солиқ тушуми ундирилган бўлиб, шундан 10 фоизи маҳаллалар бюджетига қолди. Ушбу маблағлар “еттилик”нинг коллегиал қарори асосида аҳоли эҳтиёжи ва худудда ечимини кутаётган энг долзарб масала-

ларга сарфланяпти. Жорий йилнинг апрель ойида эса солиқ тушуми режадаги 181 миллион сўм ўрнига 220 миллион 400 минг сўмини ташкил этди.

Бугунги кунда мазкур маҳаллаларда 15 та тижорат ташкилоти, 6 та нотижорат ва нодавлат ташкилоти, 20 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 735 та турар ва нотурар объект солиқ тўловчиси бор. 921 нафар фуқаро деҳқончилик, тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, таксичилик каби турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад топяпти.

Яқинда солиқ тизимидаги узоқ йиллик самарали меҳнатларим ва юқори натижаларим учун “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирландим. Ушбу мукофот нафақат меники, балки солиқ тизими, туман солиқ инспекцияси учун берилган рағбатдир. Юқори натижаларга эришишимда 31 йиллик меҳнат натижасида орттирилган тажриба, сабр, устозлардан олган билим ва, албатта, раҳбариятнинг менга бўлган кўмаги ва ишончидир.

Мазкур маҳаллаларда қўшимча солиқ тушумларини оширишнинг ягона йўли – тадбиркорликни ривожлантириш. Шу боис ёшларнинг қизиқиши, имконияти, билим ва тажрибасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик йўналишлари бўйича кўмак берилмоқда. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилганларни тадбиркорлик субъектига, ЯТПларни эса йирик солиқ тўловчилар тоифасига ўтказиш ишларини олиб боряпмиз. Мақсадимиз – худудларда тадбиркорлар ва ишбилармонлар сонини кўпайтириб, маҳаллалар бюджетини оширишдир.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ҲИСОБОТНИ ТЎҒРИ ЮРИТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

Электрон ҳисобварақ-фактура товарлар жўнатиш (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиши шарт.

Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари.

Куйидагилар реализация қилинганда ЭҲФ календарь ойнанинг охириг кунин билан бир марта расмийлаштирилади ва шу ой давомида етказиб берилган

қилинган харажатларни қоплаб бериш;

- алоқа хизматлари, жумладан, симли ва симсиз телекоммуникация соҳасидаги операторлар хизматлари, интернет тармоғидаги симли ва симсиз телекоммуникация хизматлари, шаҳар телефон алоқа хизматлари, кабел орқали истеъмолчилар орасида дастурларни тарқатиш, мобил алоқа ва шу каби бошқа хизматлари;
- темир йўлда ташиниш – темир йўлда йўловчи ва юкларни ташиниш;
- транспорт-экспедиторлик хизматлари;
- курувлар тизими орқали юкларни ташинишга доир хизматлар.



товарлар (кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми учун кейинги ойнанинг 10-кунига қадар тақдим этилади:

- электр энергияси, шунингдек, ижара (фойдаланиш) га берилган объектлар бўйича электр энергия харажатларини қоплаб бериш;
- иссиқлик энергияси, жумладан, иситиш хизматлари ҳамда иситишга боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;
- сув, шу билан бирга, совуқ ва иссиқ сув, ижара (фойдаланиш)га берилган объектлар бўйича сув таъминоти харажатларини қоплаб бериш;
- газ, жумладан, табиий газ, газ таъминоти хизматлари, шунингдек, ижара (фойдаланиш) га берилган объектлар бўйича ушбу хизматлар учун харажатларни қоплаб бериш;
- коммунал, хусусан, чиқиндиларни ташиниш, канализация, кўп квартиралли турар ва нотурар объектларни сақлаш хизматлари ҳамда улар бўйича

Бироқ 10 май дам олиш (ишланмайдиган) кунини бўлганлиги сабабли, мuddатнинг охириг кунини 12 майга кўчирилди.

Қонунчилик мувофиқ, реализация қилинаётган товарлар қиймати ёки миқдори ўзгарганда қўшимча ёки тузилган ЭҲФ тақдим этиш мумкин. Шу билан бирга, илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўзгарганда солиқ ҳисоботига зарур тузатишлар киритилиши ва аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши шарт.

Солиқ тўловчиларга қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда солиқ ҳисоботларини тўғри юритиш тавсия этилади. Акс ҳолда қонунчилик ҳужжатларига асосан белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилади. ЭҲФларни белгиланган мuddатларда расмийлаштирилганлик учун тадбиркорлик субъектларига барқарорлик рейтингига 10 балл берилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ТЕКШИРУВЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ...



Сиз фаолиятингизда ўтказилган текширувлар ҳақида маълумот олишни истасангизми?

Унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги текширувлар ҳақидаги маълумотларни “Telegram” мессенжерда @tekshiruvinfo_bot га солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)ни киритиш ёки “SMS” тарзида 4064 қисқа рақамга “ИНН” сўзи, бўш каттак қолдириб СТИР рақамини юбориш орқали осон билиб олиш мумкин. Фаолиятингизда ўтказилган

барча текширувлар бўйича эса govcontrol.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиб, батафсил маълумот олишингиз мумкин. Ўз фаолиятингизда ўтказилган текширувлар қонунчилигини таъминлашга бефарқ бўлманг. Назорат қилувчи органлар ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари аниқланган ҳолатлар юзасидан бизнес-омбудсманга 1100 қисқа рақами, Тадбиркорлар виртуал офиси – business.gov.uz ёки info@biznesvakil.uz электрон манзили орқали хабар беринг.

Бизнес-омбудсман

ТАРҒИБОТ

ХАРИД ЧЕКНИ ОЛИШГА ЗАРУРАТ БОР, АЛБАТТА

Барчамиз кунлик эҳтиёжларимиз учун турли маҳсулотлар харид қиламиз. Сотувчига нақд ёки банк пластик картаси орқали тўлов қиламиз. Савдо жараёнида кўпчилик эътибор бермайдиган, аммо муҳим бўлган бир шарт аксарият ҳолларда эътибор ёки умуман эътиборга олинмайди. Бу – харид қилинган маҳсулот учун назорат-касса машинаси чекини олиш!

Даврон РАВШАНОВ, Самарқанд вилояти Солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ўтказган “Харид чеки олишни унутманг!” тарғибот акцияси аҳолини ушбу жараёнга эътиборли бўлишга чақиритишга қаратилди. Тадбирда ёшлар, солиқ ходимлари ва маҳалла фаолларидан иборат тарғибот гуруҳлари савдо шохобчалари ва мажмуаларида бўлиб, жараённи бевосита кузатган ҳолда, харид чеки талаб қилиб олишнинг аҳамияти, харид чеки берилмаса, тадбиркорга нисбатан қўлланиладиган чоралар тўғрисидаги тарғибот варақаларини тарқатди.



Тарғибот варақаларини шунчаки фуқароларга бериб кетмасдан, тўлиқ маълумот берилиши лозимлиги уқтирилди.



Дастлаб тарғибот гуруҳи аъзоларига акциянинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Тарғибот варақаларини шунчаки фуқароларга бериб кетмасдан, тўлиқ маълумот берилиши лозимлиги уқти-

рилди. Гуруҳлар жойларда бўлиб, харид чеки билан боғлиқ талабларни сотувчи ва хариддорларга батафсил тушунтирди. Бунга зарурат борми, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, бор. Чунки солиқ

органлари олиб бораётган тушунтириш-тарғибот ишларига қарамай, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида сотилган товар учун чек бермаслик ҳолатлари юзасидан кўплаб муурожаатлар келмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг 4 ойи давомида фуқаролар чек бермаслик ҳолатлари юзасидан 1300 тадан ортик муурожаат юборган. Бу ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган фуқаролар амалга оширган ишлар сарасида аниқланган. Неча минглаб хариддорлар ҳалигача харид чекининг аҳамиятини тушуниб етгани йўқ. Акциядан кўзланган мақсад ҳам аҳолига харид чекининг аҳамиятини тўлиқ етказишга қаратилган. Тарғибот тадбирлари вилоятнинг барча худудидида ўтказилляпти.



“САМАРАСИЗ ЁКИ САМАРАСИ УРГАНИЛМАГАН” деб топилган дорилар клиник протоколлардан чиқарилади.



Ўзбекистонда “Болалар саратони бўйича академик хаб” ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.



Бу йил ЭЛЕКТРОН ЙЎЛЛАНМА асосида даволашга бюджетдан 1,1 триллион сўм ажратилади.

ТАШАББУС

“Қалқон” — шараф, фидокорлик, тартиб ва ички интизом рамзи

Юртимиздаги олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳи қисқа муддатда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди.



Шухрат ҒОЙИБНАЗАРОВ, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети Тошкент филиали проректори, профессор, нафақадаги полковник.

“Қалқон” жамоатчилик гуруҳи Президентимизнинг 2023 йил 11 апрелда ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларни амалга ошириш ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар, Мудофаа, Ички ишлар, Спорт вазирликлари ҳамда Миллий гвардиянинг қўшма қарори асосида ташкил этилган. Унга фаол, мударатли ҳарбий хизматни ўтаган, яхши баҳолашга ўқитган талабалар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси, ушбу соҳага қизиқиши бўлган фидоий ёшлар ҳамда таълим муассасалари педагог ходимлари аъзо бўлиши мумкин.

Мазкур жамоатчилик гуруҳи аъзолари бефарқ бўлмаган, интизомли, биринчи қақриқадёк ҳаракатга тайёр, тартиб, ҳуқуқий адолат ва фуқаролик масъулиятини ҳимоя қилувчи ёшлардир. Улар фақат тадбирларда фаол иштирок этибгина қолмай, олий таълим муассасалари ҳаётининг барча босқичларида ҳавфсизликни таъминлайди. Бизнинг “Қалқон” гуруҳимиз ўтган ўқув йилида Миробод туманидаги “Шаҳрибод” ва “Навниҳол” маҳалла ёшлари орасида мақсадли профилактик тадбирларни самарали ташкил этиб, ижобий ютуқларга эришди. Шу боис гуруҳ аъзоларини Самарқанд шаҳрига саёҳатга юбордик. Бу уларга яхши рағбат бўлди.

Жамоатчилик гуруҳи аъзолари махсус либосда юришади. Улар эғиндаги либос нима англатишини яхши билади. Бу – шараф, фидокорлик, тартиб ва ички интизом рамзи. Ташқи кўриниш, қоидаларга қатъий риоя қилиш, фаолият учун балларни ҳисобга олиш, мунтазам йиғилишлар ва ҳисобот – буларнинг барчаси ҳақиқий хизмат тизими намунаси асосида ташкил этилган. Бироқ бу жараён шахс камолотини, етакчилигини ва онгликни ривожлантиришга йўналтирилган.



Айнан “Қалқон” каби ташаббуслар орқали бефарқ истеъмолчилар эмас, балки жавобгарлик ҳиссига эга фуқаролардан иборат янги авлод вояга етиб келмоқда. Бундай ёшлар жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, олий таълим муассасаси, туман, маҳалла ва давлатга фойда келтиришга тайёр.

Энг муҳими, бу гуруҳларда, аввало, шундай ёшлар тўпланганки, улар қонун устуворлиги, ҳуқуқий тартибот ва ижро интизоми ҳукмрон бўлган жамиятда яшашига чанқоқлик, нафақат ўзининг, балки атрофдагиларнинг ҳам масъулият ҳиссини юксак даражада ҳис этиши билан ажралиб туради. Ва айнан шундай ўғил-қизлар “Қалқон” сафларига қабул қилиниб, самарали фаолият олиб борапти.

Бизнинг “қалқон”чи ёшлар, саф тайёргарлиги, ўқув, жисмоний ва жангвор тайёргарлик машғулотларининг ақсариятини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси базасида ўтати. Тажрибали мутахассислардан назарий ва амалий билим оляпти.

Қонун устуворлигини таъминлаш, интизом, шараф ва ватанпарварлик “Қалқон” асосини ташкил этган қадриятлар сифатида барча талабаларимиз учун йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Оиладаги низолар носоз муносабат ва нотўғри турмуш тарзидан



“Қутанқўл” маҳалласида тўрт йил олдин иш бошлаганимда ҳудуд “қизил” тоифада эди. Жорий йилдан жиноятдан холи ҳудудимиз. Албатта, бунга осонлик билан эришмадик. Аввало, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашдик.

Руслан САТБАЕВ, Нукус туманидаги “Қутанқўл” маҳалласи профилактика инспектори.

Хар кун кечки соат 21:00 дан кейин “еттилик” аъзолари билан маҳалламиздаги олтига овул, 36 та кўча бўйлаб тунги навбатчилик тадбири ўтказамиз. Бемақсад юрган ёки бегона фуқаролар бўлса, шахсига аниқлик киритамиз. Бирортаси безорилик устида ушланса, зарур чоралар кўриб, эртаси кун мактабда маҳалла раиси, ота-оналар ва фоллар иштирокида муҳокама йиғилиши ўтказамиз. Шу вақтга қадар майда безорилик билан кўлга олинган етти нафар фуқаронинг уч нафари ёшлар-

дир. Улар профилактик рўйхатга олиниб, “маҳалла еттилиги” аъзоларига бириктирилган. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсиз муҳитни

таъминлаш учун маҳалланинг турли нукталаридаги энг фаол 25 нафар фуқаронинг хонадонини қўриқлаш пултига улаганмиз. Аҳоли ҳудудда бирор ноҳуш ҳолатларга гувоҳ бўлса, ушбу тугмани босиб, Миллий гвардия ходимларига тезкор хабар беришади. Яна тўрт нафар яққа-ёлғиз яшовчи ногирон фуқаронинг хонадонини ҳам қўриқлаш хизматига улаганмиз. Шунингдек, ҳудуднинг асосий кириб-чиқиб кўчаларига, аҳоли гавжум жойларга, фермер



Руслан Сатбаев “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланган.



ЖАРАЁН

Ўйин шиддатли, баҳсли ва совринли яқунланди



Урганч шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўғил болалар ва қизлар ўртасида гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” мусобақасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Аҳмаджон ШОКИРОВ, журналист.

Вилоятдаги 531 та маҳалла бўйича шаклланди жамоалар ўртасидаги баҳслар 15 дақиқадан давом этиб, профессионал ҳакамлар ўйинларни бошқариб борди.

— Маҳаллаларда ёшларнинг спортга бўлган қизиқишлари жуда катта, — дейди **Хоразм вилояти спорт бошқармаси бошлиғи Нодира Жуманиёзова**. — Гандбол спортини энди омалашаётганига қарамай, ушбу мусобақада қатна-

шиш учун маҳаллалардаги юз минглаб ёшлар қизиқиш билдирди. Аввал фақат ўғил болалар ўртасидаги мусобақалар ўтказилган бўлса, эндиликда қизлар ўртасида ҳам ташкил этилди. Бундан ҳаваскор гандболчи қизлар хурсанд бўлишди.

Ўйинлар шиддатли, баҳслар кескин кечди. Сабоби, республика босқичида ғолиб бўлган ёшларнинг маҳалласига спорт майдончаси қуриб берилиши билан бирга, қимматбаҳо совғалар ҳам тақдим этилади.

Яқуний натижаларга кўра, қизлар ўртасида учинчи ўринга Қўшқўпир

туманидаги “Қоровул” маҳалласи, иккинчи ўринга Хонқа туманидаги “Дўрман” маҳалласи ёшлари сазовор бўлди. Биринчи ўринни эгаллаган Шовот туманидаги Махтумқули номидаги маҳалла қизлари мамлакат баҳсларига йўлланмани кўлга киритди.

Ўғил болалар ўртасида кечган баҳсларда Хонқа туманидаги “Дўрман” маҳалласи жамоаси учинчи, Хива туманидаги “Пирноҳос” маҳалласи ёшлари иккинчи ва Урганч туманидаги “Обод” маҳалласи гандболчи йигитлари биринчи ўринни эгаллади. Ободлик гандболчилар энди республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ботир ЭГАМОВ, Андижон вилояти:

— **Айтишларича, эндиликда пенсиядагилар ойлги ёки пенсиясининг бирини олиши керак экан. Бу қанчалик тўғри? Шундай қонун чиққим? Шу ҳақда маълумот берсангиз...**

Энди пенсия ёки ойлдан бирини танлаш керакми?

Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Асосиз гаплар. Ишловчи пенсиядагиларга пенсия ёки ойлдан биттаси берилди, деган мазмунда ҳеч қандай қонун ёки бошқа бирор норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиқмади. Барча ишловчи пенсиядагиларга пенсиялар, шу жумладан, ойллик иш ҳақлари тўлиқ миқдорда тўланади.

Меҳнат кодексининг 4-моддасига кўра, ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга. Президентнинг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самардорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг 1-бандига кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб, барча ишловчи пенсиядагиларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.


Хуллас, ҳурматли пенсиядагилар, кўркмасдан ишлайверинглар, сизларга пенсия ҳам, ойллик ҳам тўлиқ тўланади.



Эндиликда ногиронликни ОИЛАВИЙ ШИФОКОР расмийлаштирган хужжат асосида Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси белгилади.



Ўзбекистон махсулотлари Италиядаги "TUTTO FOOD 2025" халқаро кўргазмасида намоиш этилмоқда.




Ички ишлар органларининг ахборот инфратузилмасида КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ автоматлаштирилади.

ЯНГИЛИК

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ЯНГИ ПЛАТФОРМА — ЯНГИ КЎМАК МАЙДОНИ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги "Humans" компанияси билан биргаликда "Humans for Humans" ёрдам платформасини ишга туширди.



Эндиликда Ўзбекистоннинг исталган фуқароси "Humans" иловасидаги "Инсонларга ёрдам" бўлимига кириб, ўзи ҳомийлик қилмоқчи бўлган оила, болалар уйи, кекса ёки ногиронлиги бўлган шахсни танлаши ва унга озиқ-овқат, маиший техника ёки кундалик зарур буюмларни юбориш орқали ёрдам кўрсатиши мумкин.

Бу жараёнда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳомийликка олинганларнинг эҳтиёжлари ҳақида ишончли маълумотларни олдидан тўплайди, шу тарихқа муҳтож шахс ўзига керакли нарсани олади.

Ҳозирги вақтда платформада қуйидаги аҳоли вакилларига ёрдам беришнинг имконияти мумкин:

- болалар — бу тоифага болали оилалар, кўп болали оилалар, шунингдек, оилавий, худудий болалар уйлари тарбияланувчилари қиради;
- кексалар — ёлғиз кексалар, кекса қариндошлари бор оилалар, шунингдек, кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида яшовчилар;
- Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари — жанговар ҳаракатлар қатнашчилари, шунингдек, қончилар ва Ленинград қамалини бошдан кечирган инсонлар;
- қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган шахслар — биринчи навбатда, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган кам таъминланган оилалар;
- ногиронлиги бўлган шахслар — ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ва ҳомийликка олинган шахслар.

Ҳар бир оила, ташкилот ёки ҳомийликка олинган шахс учун платформада уларга зарур бўлган товарлар рўйхати билан шахсий профил яратилган. Бу рўйхатга 15, 30 ёки 45 кунга мўлжалланган озиқ-овқат саватлари, маиший техника, электрон жиҳозлар, шунингдек, биринчи зарурат буюмлари қиради. Ҳомийликка олинганларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотлар платформада реал вақт режимида янгиланиб боради.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

“Ҳар бир хонадон — оилам, ҳар бир инсон — яқинимдек...”



Айни вақтда ҳудудимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 93 нафарни ташкил этади.



Достон ЭЛБОЕВ, Сардоба туманидаги “Кўргонтепа” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалла тизимида иш бошлаган илк кунларимда бир оилага кирганимиз. Эрак кўли гул уста. Уй қуришдан тортиб, таъмирдан чиқаришгача бўлган ишларнинг барчасини ундайди. Лекин уч йил аввал рўй берган бахтсиз ҳолида сабабли қаттиқ жароҳат олган...

Даволаниш учун тўплаб қўйган маблағларнинг барчасини сарфлайди. Ҳатто, автоуловини сотишга мажбур бўлади. Натижада турмуш шароити оғирлашиб, “Камбағал оилалар-реестри”га тушиб қолади. Холатдан хабардор бўлгач, уларнинг мушкулни осон қилишга киришди. Биринчи навбатда, фуқарони тиббий кўриқдан ўтказиб, шифохонада даволаниши учун йўналтирди. Керакли муолажалардан сўнг унинг ахволи анча яхшиланди. II гуруҳ ногиронлиги III гуруҳга ўзгартирилди. Қолаверса, саломатлиги ва кайфияти ўрнига тушиб, устачиликни давом эттирди. Келгусида Эракнинг бу фаолиятини расмийлаштиришни режалаштирганми.

Шу вақтга қадар ишсиз бўлган турмуш ўртоғига эса ҳоким ёрдамчиси билан келишиб, имтиёзли кредит асосида тикув машинаси харид қилишга кўмаклашди. Айни вақтда болалар учун байрам либослари ти-

киб, мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчиларига ижара асосида беришни йўлга қўйди. Аёлнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш учун кичик лойиҳани амалга оширишни ният қилганми. Аниқроқ айтишга бўлса, унга камбағал оила вакилларини бириктириб, хунарини ўргатишга шароит яратиб бермоқчимиз. Шу орқали яна кўплаб хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришган бўламиз.

Оиланинг икки нафар фарзанди мактабгача таълим ташкилотига имтиёзли равишда қатнапти. Уларга болалар нафақаси берил-япти. Шу тартибда хона-



Битта оиланинг шароитини яхшилаш, рўзгорини бутлаш учун баъзан ойлари давомида хизмат кўрсатишга тўғри келади. Уларга мос иш ўринлари қидирганимиз, имтиёзларидан фойдаланиши учун имконият яратиб берамиз. Лекин сўнггида қилинган меҳнатларнинг натижасидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳар сафар кўз кўзга тушганда, кўлини кўксига қўйиб, “раҳмат” айтиши барча чарчокларни чиқариб юборади.

Аслида муҳтож киши-

ларга биз бўлмасак, бошқа инсон ҳам ёрдам бериши мумкин. Аммо давлат айнан бунга мени масъуллардан бири сифатида танлаганини чексиз ишонч намунаси деб биламан. Шундай экан, кирган ҳар бир хонадонимни ўз оилам каби қабул қилишга, ҳар бир фуқарони яқинимдек кўришга ҳаракат қиламан. Уларнинг муаммоларини қалбдан ҳис қилганимда, ёрдам беришим ҳам осон кечади. Қолаверса, тинимсиз ўз устимда ишлаб, билим ва малакамни ошириб бораёман. Қанча кўп нарсани ўргансам, халқимга шунча самарали хизмат кўрсатишим мумкинлигини яхши биламан. Кун давомида ҳеч бўлмаганда, битта янги қонун ҳужжати билан танишиб чиқаман, аввалгиларини такрорлайман. Дам олиш кунлари зарурий адабиётлар мурола қилиб, дунёқарашимни кенгайтираман. Айни вақтда Самуэл Филлипс Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви ва янги дунё тартиби” китобини ўқияёман. Ҳар учун кўп нарсаларни ўрганишимиз, ишончим комилки, олинган илм, очилган янги кирралар юмушимизни янада осонлаштиради.

Айни вақтда ҳудудимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 93 нафарни ташкил этади. Кам таъминланган оилалар аввалига 130 та эди, ўрганишлар

натижасида бу рақамни 53 тага туширишга эришдик. Жараёнда ўзига тўқ бўлган хонадонлар рўйхатдан чиқарилиб, ҳақиқий муҳтожларнинг нафақа олиши таъминланди. 20 та оилани камбағалликдан чиқариш учун тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Хатлов мобайнида Ижтимоий реестрга киритилган бир аёлнинг турмуш ўртоғи чет давлатда ишлаш учун кетгани маълум бўлди. Холатини инobatга олиб, унинг 2 нафар фарзандига болалар нафақаси тайинланди. Фуқарони ҳудудимизда ташкил этилган “Фаровон оила” психологик тренинглари-га жалб қилдик. Бу вақт оралиғида турмуш ўртоғи хоридан қайтиб келди. Уни иш тажрибасидан келиб чиқиб, новвойликка йўналтирдик. Ҳозирги вақтда уйда тадбир қурапти. Тез фурсат ичида водийга бориб, хунар сирларини уста новвойлардан янада пухтарок эгаллаб келишни ният қилган. Аёлнинг ҳам айни йўналишда бандлигини таъминлаш назарда тутилган.

Олдидан бизни кутиб турган ишлар талайгина. Хусусан, II гуруҳ ногирони бўлган, шу кунгача велосипед таъмирлаш билан шуғулланиб келаётган Олтинбек Қаршибоевни яроқсиз холга келган ногиронлик араваларини тузатишга жалб қилмоқчимиз. Бу билан қанчадан-қанча имконияти чекланган, лекин айрим талабларга мос келмагани боис арава ололмаётган шахсларнинг мушкулни осон қилиш имконига эга бўламиз. Шу вақтгача икки кишига бу борада кўмак кўрсатди. Мазкур хизматни туман даражасида ташкил этиб, фуқарога маош тайинлаш режалаштирилган.

Янги фикр ва ғоя доим самарадорликни оширишга хизмат қилган. Шу маънода бир таклиф бор эди. Маҳаллаларда фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар малакасини ошириш учун “Тажриба алмашув кўни” тайинланса, яхши бўларди. Ўзаро тажрибалар билан ўртоқлашиб, амалий тадбирларни йўлга қўйиш бўйича биланларимизни бир-биримизга ўргатиш, албатта, ижобий натижаларга эришимизга замин яратади.

ТАҚДИРЛАР

Фаровонлик формуласи: меҳнат, ҳаракат ва имконият

Пешку туманидаги “Хуррам” маҳалласида 4 814 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар орасидан 29 та оила “Камбағал оилалар реестри”га киритилган.



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Ушбу реестрда бўлган хонадонлардан бири — кўп болали Нилуфар опа Расулованинг оиласидир. Турмуш ўртоғи ҳозирда чет элда меҳнат қилаётган бу аёл

бир муддат ишсизликдан қийналди. Аммо маҳалла ижтимоий ходими Умрзоқ Рўзимуродов оила аҳволини пухта ўрганиши ва ижтимоий хизматлар режасини тузиши оиланинг тақдирини тубдан ўзгартирди.

Ушбу режа асосида қуйидаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди:

- ☑ 35 миллион сўмлик имтиёзли кредит асосида қорамол олиб берилди, бу орқали оила чорвачилик билан шуғулланиши бошланди;
- ☑ 5 миллион сўм субсидия маблағи асосида ҳовлидаги иссиқхона таъмирланиб, унга ниҳол кўчатлари етказиб берилди;
- ☑ тикув машинаси тақдим этилиб, Нилуфар опага чорвачилик билан шуғулланиш имконияти яратилди;
- ☑ оиланинг тўнғич фарзанди Гулноза спорт тўғараги — пара ядро отиш йўналишига жалб қилинди ва бугунга келиб у бу борада салмоқли муваффақиятларга эришмоқда;
- ☑ 20 миллион сўмлик юк ташувчи мотоцикл олиб берилиб, оиланинг даромад манбалари янада кенгайтирилди.

Бундан ташқари, Нилуфар опа 8 қути ипак куртини парваршлаб, кўшимча даромад топишга ҳам эришмоқда. Бугунги кунга келиб, ушбу оила меҳнат, ҳаракат ва давлат томонидан кўрсатилган ёрдамлар натижасида ўз ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади.

ЭҲТИРОМ

УРУШНИНГ ОЛОВЛИ ЎЧОҒИДАН ОМОН-ОМОН ЗАМОНЛАР ҚАДАР...

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони-ни ўқиб, қувончдан кўзларимга ёш келди, кўксим фаҳрга тўлди.



Шоҳимардон ҲАМРОЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Унда биз каби Ватанимиз озодлиги, халқимиз омонлиги йўлида қурашган фидойиларга катта миқдордаги бир марталик пул мукофотлари берилиши белгиланган. Гап пулда эмас, албатта. Бу эътибор мамлакатимизда инсон қадрини, эъзозини нақадар юксаклигидан далолат. Президентимиз ва яқин инсонларимизнинг қўллаб-қувватлаши, меҳр ҳамда ғамхўрлиги ёшимизга ёш кўшмоқда, десам, муболаға эмас.

Бу йил 104 ёшга тўлдим. Ҳа, умримизнинг энг гуллаган йилларини Иккинчи жаҳон урушининг оловли жангларидан ўтказдик. Дахшатли уруш жараёнида Латвия, Литва, Эстония каби давлатларни душмандан озод қилишда ишти-

рок этдим. У кунларни эслашнинг ўзи кўрқинчли...

Уруш ҳеч кимни аямайди, шафқатсиз. Ҳозиргина гаплашиб ўтирган қуролдошинг кўз ўнгингда ҳалок бўлади. Тасодиф, омад, Яратганнинг марҳамати билан омон қолиш мумкин. Лекин у ерда ҳеч ким ўз жонини асрашни ўйламайди, аксинча, фикру зикри душманларни йўқ қилишга қаратилди. Ортингдан бўзлаб қолган яқинларинг, юрт озодлиги учун қураш жангчига куч, ирода беради.

Буюк ғалабадан сўнг Ватанга саломат қайтиш менга ҳам насиб этди. Педагогика соҳасида ўқиниши тамомлаб, 40 йил давомида Бойсун туманидаги мактабда дарс бердим.

Шу касбим ортидан “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими алоҳисиси” кўрак нишонини билан тақдирландим. Инсон шахни юксалган, меҳнати қадар топан юртимизда 11 нафар фарзанд, 48 нафар неварани, 70 нафар чевара ва 7 нафар эвара даврасида меҳр-муҳаббат ҳамда иззат-икромда умргузаронлик қиламан.

Ватанимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги ва хонадонларимиз фазлу баракасига кўз тегмасин. Барча болалар қасодат Яратганнинг ўзи асрасин.



2025 йил
апрель ойида
Ўзбекистонга
ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛАР
СОНИ илк бор бир ойда
1 миллиондан ошди.



Ўзбекистон
Энергетика
регуляторлари
минтақавий
ассоциацияси
(ERRA)га
АЪЗО БЎЛДИ.



Янги ташкил
этиладиган таълим
ташкilotлари фаолияти
ИККИ БОСҚИЧДА
йўлга
қўйилади.



МАНЗАРА

“БАНД ОДАМНИНГ МУАММОСИ БАРҲАМ ТОПГАНИНИ КЎРДИМ”

Ҳамиша табассум қилиб юришга ҳаракат қиламан. Яхши кайфият менинг доимий ҳамроҳим. Оилаларга кирганда, идорага мурожаат қилиб келган аёллар қаршида қулиб туриш билан, биринчи навбатда, улар мен учун нақадар қадри эканини кўрсатиб бераман. Қолаверса, дилдан ёзилиб сўхбатлашамиз. Биргаликда муаммоларга ечим излаймиз. Шу ёндашув асосида қандай масала бўлмасин, барчасини ижобий томонга ўзгартиришга эришяпмиз.



Нодирабегим номидаги маҳаллада 60 фоиз, “Кўқон қишлоқ”да 40 фоиз аёллар ўз шахсий бизнесига эга. Улар халққа хизмат қилиш баробарида рўзғорига ҳам даромад киритяпти, ўз устида ишлаяпти, ўқиб-ўрганапти. Ҳаётини қарашлари аввалгидан анча ўзгарган. Шу билан бирга, фарзандларини тарбиялаб, билим олиши учун муносиб шароит яратиб берапти.

Машхура Асқарова шундай тиниб-тинчимас тадбиркорларимиздан бири. 2013 йилда хусусий боғча очилган бошланган фаолияти бугунга келиб бошқа йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Фуқаро айна вақтда 50 нафардан тарбияланувчиси бўлган 3 та мактабга таълим ташкилотидан 18 нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаган. Бундан ташқари, томорқасидаги 2 сотихли иссиқхонасида узлуксиз равишда бодринг етиштириб келаяпти. 80 дона товук ва 100 дона жўжа парваришлаб, худудни туҳум ва гўшт билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшапти. 10 қути асаларини ҳавасга парваришлайди. Машхурага шундай кенг қамровли юмушларни адо этишда турмуш ўртоғи доимий кўмакчи. Маҳалла ҳам қараб тургани йўқ, утган йили фуқарога имтиёзли равишда 100 миллион сўм кредит ажратилиб, ишини кенгайтиришга ёрдам берилди.

Четдан туриб кузатаман-да, агар одамлар қандайдир машғулот билан банд бўлса, муаммолар ҳам ўз-ўзидан барҳам топар экан. Айнакка, оилавий низола, ўзаро келишмовчиликларни юзга келтираётган асосий сабаб — бекорчилик. Шу ҳақиқатни чуқур англаганимиз ҳолда тинимсиз изланишдамиз. Жорий йилда иккита маҳалла худудидан бир неча йўналишларни қамраб олган ўқув курси ташкил этмоқчимиз. Бунда талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, сунъий гул ясаш ҳамда иссиқхона каби гуруҳларда аёллар бепул тахсил олиш имконига эга бўлади. Мақсадимиз — ҳамма вақтини мазмунли ўтказсин, жамият равнақи учун ўз хиссасини қўсин!

Коронфу тушганда уйга кириб бораман. Қўлимга игна олиб, дўппи тикишга киришар эканман, кун бўйи амалга оширган ишларимни тахлил қиламан. Нимани уддаладим, қайси юмушларга улгурмадим, деб бир муддат хаёлга берилмаман. Бу орада бошлаган ижод намунамни охирига етказиб қўйганимни ҳам билмай қоламан...

Шаҳзода ТЕШАБОВЕВА
Пахтабод туманидаги
Нодирабегим ва
“Кўқон қишлоқ” маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.



Эрталаб қуёш чикмасдан аввал уйғонишни оилавий аънамага айлантирганмиз. Турмуш ўртоғим тандир ясаш билан шуғуллангани учун ишимни уларга ёрдам беришдан бошлайман. Кейин бироз муддат иссиқхонадаги кўчатларимни суғориб, бегона ўтлардан тозалайман.

Тажрибамга асосланиб айтишим мумкинки, маҳалланинг равнақ топиши, фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши кўп жиҳатдан худудда фаолият олиб бораётган “еттилик” вакилларининг ташаббускорлиги ва интилувчанлигига боғлиқ. Агар ўзимиз шахсий намуна кўрсата оلسаккина, одамларни бирор ишга йўналтириш осон кечади. Шу маънода хотин-қизлар фаоли сифатида иккита маҳалламиздаги ола-сингилларимизга ўрнатилган ушун турмуш тартибига фаолиятимни йўлга қўйганман.



МУҲИМ МАСАЛА

ОИЛАДА ҚАДР ВА ИШОНЧ БАРҚАРОР, БИРДАМЛИК КУЧЛИ БЎЛАДИ

Оила қуришдан мақсад нима? Унинг мустаҳкамлиги жамият ҳаётида қандай аҳамият касб этади? Бу каби саволларга қуйида берилган маълумотлар орқали батафсил жавоб топиш мумкин.

Фарзандли бўлиш ва авлод давомийлигига эришиш инсон ҳаётининг биологик ва маънавий давомийлигини таъминлашга қаратилган. Турмуш қуриш орқали икки киши нафақат шахсий бахтини топади, балки инсониятнинг узлуксизлигини, оила аънавалари ва миллий қадриятларининг давом этишига ҳисса қўшади.

Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, унинг барқарорлиги ижтимоий тинчлик ва тараққиётга ҳисса қўшади. Турмуш қуриш инсонни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук шахсга айлантириб, масъулият ҳиссини оширади.

Меҳр-муҳаббатли муҳит яратиш инсонлар ўзларини ҳаёт йўлида ёлғиз эмаслигини ҳис қилиши, ҳиссий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашиши, бахтли ва барқарор ҳаёт кечиришида ўз аксини топади.

Турмуш қуриш инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди ва барқарор муносабатларни шакллантиришга ёрдам беради. Оила инсоннинг ижтимоий ҳимояси бўлиб, унда ишонч асосий ўрин тутаяди.

Оила иқтисодий асосини мустаҳкамлаш — икки инсоннинг иқтисодий манфаатлари ва имкониятларини бирлаштириш орқали барқарор ва мустақил оила иқтисодий шакллантиришдир. Турмуш қургандан сўнг даромадлар бирлашади, умумий молиявий режа тузилади, оила аъзолари ўртасида бирдамлик кучаяди.

Турмуш қуриш инсонга ҳамкорлик ва масъулиятни ҳис қилиши имконини беради. Оилада эр-хотин бир-бирини қўллаб-қувватлаб, муаммоларни биргаликда ҳал қилади. Бу жамият мустаҳкамлиги ва барқарорлигига хизмат қилади.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти матбуот хизмати.

МУЛОҲАЗА

ЧЕТ ЭЛДАГИ “БОЙВАЧЧА” ДАН ЎЗИМИЗНИНГ “ҚОРАКЎЗ” АФЗАЛ

Сўнги пайтларда ўзбек қизларининг чет эл фуқароларига турмушга чиқаётгани ҳақида кўп эшитяпмиз. Тўғриси айтганда, бундан хайратланмай ҳам қўйдик.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
журналист.

Расмий маълумотларга қараганда, 2006-2008 ва 2020 йилларда ўзбек қизларининг Жанубий Корея, Хитойга турмушга чиқиши авж олган. 2021-2024 йилларда эса Туркияга узатилган қизлар кўпчилигини ташкил этган. Уларнинг 90-95 фоизи ҳали ҳаётини яхши англамаган ёш қизлар экани ачинарли. Кўёвлар эса 35-50 ёшлар ораллигидан. Савол туғилади, нега ўзбекистонлик қизлар бошқа миллат вакиллари билан ҳаётини боғламоқда? Муҳаббатми, мажбуриятми ёки яна бошқа сабаблар борми? Албатта, бунга сабаб ва

омиллар кўп. Кимдир “хорижга кетсам, маза қилиб яшайман, яхшигина пул топиб, ота-онамга ёрдамлашаман”, деса, айримлар билиб-билмай бировларга эргашяпти. Кизини хорижга узатаётганини кўз-кўз қилиб мақтанаётган ота-оналар борлигига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Бир пайтлар қизлар бир вилоятдан бошқа вилоятга турмушга чиқса таажубланардик. Бунга воқеалар камдан-кам ҳолларда учради. Хорижликка турмушга чиқиш ҳақида эса умуман гап йўқ эди...

Тўғри, замон аввалгидек эмас. Глобаллашув барча мезонларни, қарашларни ўзгартирди. Ўзлимизни англадик. Бироқ бу асрлар оша сайқалланиб келган миллийликка бизнинг пугур

етказмаслиги даркор. Замонавийлашиб, дунёқарашимиз ошгани сари ота-бобомиздан қолган урф-одатларни ҳам унутаятганга ўхшаймиз. Шу маънода айрим ота-оналарнинг кўз қорачиғидай асраб вояга етказган, тарбиялаган, ўқитган, ибодат қилган қизларини қўшқўллаб хорижга узатаётгани кишига алам қилади.

— Айрим қизларимиз чет элга ҳою ҳавас ортидан эргашиб турмушга чиқаяпти, — дейди Тошкент шаҳрида яшовчи маҳалла фаоли Дилбар Ғафқорова. — Тўғри, турмушга чиқиш ёки қайси давлатга бориб яшаш инсоннинг ўз ҳуқуқи ҳисобланади. Уни поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тахлил қиландиган бўлсак, баъзи оилаларда ота-она хорижга ишлаган кетган. Қизи холасининг ёки кекса бувусининг қўлида қолган. Ёки она хорижга ишлаган кетган, отаси қиз бола тарбияси билан шуғуллана олган. Эр-хотин ажрашган, болалар бувусининг қўлида,



онаси бошқа турмуш қурган. Мана шундай ҳолатларда қизлар бизнинг назаримиздан четда қолмоқда.

Наргиза Рустамова (исми фамилияси ўзгартирилган) хитойлик йигит билан танишиб, кўнгил қўяди. Қуруқ ваъдаларига ишониб, турмуш қуришга рози бўлади. Оилавий шароити оғирлиги сабаб моддий жиҳатдан уларга ёрдам бермоқчи бўлади. Гарчи онаси розилик билдирмаган



Айрим ота-оналарнинг кўз қорачиғидай асраб вояга етказган, тарбиялаган, ўқитган, ибодат қилган қизларини қўшқўллаб хорижга узатаётгани кишига алам қилади.

бўлса-да, ниятидан қайтмайди. Тўйдан кейин барча ҳақиқатлар юзга чиқади. Эракнинг бошқа оиласи борлиги маълум бўлади. Ўртадаги муносабатлар бузилади. Қиз ортга қайтмоқчи бўлганда, эри ҳужжатларини олиб қўяди. Оқибатда у мусофир юрда анча азият чекади. Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси ёрдамида аранг уйга қайтади. Ҳозир 8 ойлик гўдаги билан йўл қўйган ҳа-

тосидан афсус-надомат чекиб ўтирибди.

Ўзоқдаги куйруқдан яқиндаги ўпка яхши, дейишганидек, чет элдаги “бойваччалар”дан ўзимизнинг “қоракўзлар” — мард, танти ўзбек йигитлари минг марта афзал. Ҳою ҳавасларга берилиб, билиб-билмай хорижга турмушга чиқаётган қизларимизнинг аччиқ қисматларидан хулоса чиқариш вақти келмадимикан?

Биз мақоламиз аввалида тилга олган миллий қадриятларимизни эъозлашимиз керак. Зеро, бу бизнинг неча асрлар давомида сайқалланиб келаётган бетакрор меросимиз, юксак ўзбек маънавиятининг айна маъназидир. Уни фарзандларимизга ёшлигидан ўргатишимиз, тарбиясига синдиришимиз энг тўғри йўл бўлади. Қолаверса, юксак маънавият, имон-этиқоди мустаҳкам кишини ҳаётининг енгил-елпи, алдамчи туйғунга ҳеч қачон йўлдан адаштираолмайди.

ИМКОНИЯТ

“ТОЗА ҚЎЛЛАР”, БУ — ТОЗА ТАНА ВА ТОЗА ҲАЁТ ДЕМАК

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичида турган устувор вазибалар муҳокамага бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда юқумли касалликларнинг 35-40 фоизи оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юзга келаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан барча мактаб, боғча, техникум, олийғоҳ, поликлиника ва шифохоналарда “Тоза қўллар” дастури амалга оширилади. Унга кўра:

- таълим ва тиббиёт ташкилотларидаги қўл ювиш жойлари санитар-гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланади;
- шароити оғир бўлган 126 та мактабда хожатхоналар бинони ичида жойлаштирилиб, янедан қурилади, 6 мингдан зиёд боғчага гелиоколлектор олиб берилади;
- 4 минг 295 та ижтимоий муассасада сув баки ва цистерна ўрнатилди.

Ушбу мақсадлар учун шу йилнинг ўзида бюджетдан 780 миллиард сўм ажратилади.

Ҳар бир ижтимоий соҳа муассасаси тоза, озода бўлиши, унда одамлар учун қўлай санитар-гигиена шароити яратилиши шартлиги қайд этилди.

“Тоза қўллар” дастурининг моҳияти, шахсий гигиена ҳақида катта тарғибот компаниясини ташкил этиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.



Ўзбекистонлик оғир атлетикачилар ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ**да 3 та олтин, 7 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритди.



Бутунжаҳон таэквондо иттифоқининг жаҳон рейтингда икки карра Олимпия ўйинлари ғолиби **УЛУҒБЕК РАШИТОВ** биринчи ўринда қайд этилди.



Наманган вилоятида велоспортнинг трек йўналиши бўйича **"SILK WAY NAMANGAN"** халқаро мусобақаси бошланди.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

ДАНГАСА ИЧАКЛАР — ҚАБЗИЯТ ОРТИДАГИ ХАВФ

Бугунги кунда ҳар учинчи одам ич қотиш — қабзиятдан азият чекмоқда. Бу ҳолат кўпчиликка оддий туюлади: "Юрмаган кунни ҳам бўлар", дейишади. Аммо, аслида, ичаклар фаолиятидаги бундай ўзгариш инсон танасига жиддий зарар етказиши мумкин.



Шаҳноза РАҲМОНОВА, тиббиёт фанлари номзоди, гастроэнтеролог-шифокор.

Қабзиятнинг энг асосий сабаби — нотўғри овқатланишдир. Кун давомида фақат қуруқ, ёғли, қуюқ таомлар билан таомланиш, мева-сабзавот, сут маҳсулотлари ва суюқликни кам истеъмол қилиш ичакларнинг "дангаса" бўлиб қолишига сабаб бўлади. Баъзида бу ҳолат ирсий бўлиши ҳам мумкин.

Соғлом инсонда қабзият ҳар кунни фаол ишлаши керак. Аммо қабзиятда бемор 2-3 кун, ҳатто ундан ҳам ортиқ "бўшалмасдан" юраверади. Бу эса ичакда тўпланган чиқинди массасининг суюқ қисми танага қайта сўрилишига олиб келади. Яъни ичкадаги захарлар яна қон айланишига тушиб, бутун тана фаолиятига зарар етказиши мумкин. Узоқ давом этган қабзият охири-охири ичак яллиғланиши, тўғри ичакнинг шикастланиши ва қонаш билан яқун топиши мумкин.

Қабзиятни енгишда энг оддий, аммо самарали йўл, бу — овқатланиш маданиятини тўғри йўлга қўйишдир. Қўйидаги халқона, синовдан ўтган маслаҳатлар ҳар бир уйда қўлланиши мумкин:

- ✓ кун давомида камиди 1,5-2 литр тоза сув ичинг. Айниқса, эрталаб оч қоринга асал солинган совуқ сув ичиш ичакларни "уйғотади";
- ✓ янги ивтиланган қатиқ ични суради, аммо ачиган ёки эски қатиқ аксинча, ични қотиради. Шунинг учун уйқуға ётишдан 2-3 соат олдин бир стакан янги қатиқ ичиш тавсия этилади;
- ✓ лавлаги, сабзи, қовоқ каби сабзавотлардан тайёрланган димлама ва бутқалар (сули, тарик, манний) ичакларга жуда фойдали. Айниқса, лавлаги шартини ичиш яхши самара беради;
- ✓ олхўрнинг қуритилганини ивтиб, истеъмол қилинса, ични суради. Бундай келгани қатиққа ёки бутқага аралаштириб тановул қилиш мумкин. Бу ичакларни тозалайди, захарли моддалардан халос этади;
- ✓ эрталаб оч қоринга 1 чой қошиқ зайтун мойи ичиш ичаклар ҳаракатини кучайтиради;
- ✓ мойчечак дамламаси — агар ичаклар яллиғланган бўлса, бу ўт яллиғланишига қарши табиий даво воситаси сифатида фойдали.

Қабзият — бифарқлик билан қарадиган, аммо соғлиққа катта зарар етказувчи ҳолатдир. Унга даво дориди эмас, овқатда. Фақат тўғри танланган маҳсулотлар, вақтида сув ичиш ва озгина ҳаракат орқали сиз ичакларингизни соғлом ишлашга ундайсиз.

БАДАНТАРБИЯ



СТРИТБОЛ — ЭРКИН, ЖОНЛИ ВА ЮРАККА ЯҚИН ҲАВФ

Камолитдин ЭРГАШЕВ, жисмоний тарбия ва соғлом турмуш услуби бўйича мураббий.

Кўча четида майдонча, тўрида тешик саватча, икки-учта дўст, бироз қувноқлик — мана сизга стритбол! Баъзилар "бу оддий баскетбол" деб ўйлаши мумкин, лекин, аслида, бу бошқача — эркин, жонли, юракка яқин ўйин! Стритбол фақат вақт ўтказиш учун эмас, балки соғлиқни чарқлайдиган, қон айланишини яхшилайдиган, кўнгилни очадиган ажойиб машғулоти.

Юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди. Стритболнинг энг катта фойдаси — юрак-қон томир тизимига ижобий таъсир кўрсатишидир. Доимий югуриш, сакраш ва тез ҳаракатлар юрак фаолиятини кучайтиради. Қон айланиши яхшиланади, юрак уриши меъёрлашади ва бутун танада кислород етказилиши тезлашади. Бу эса юрак-қон томир касалликларининг олдини олишга хизмат қилади.

Суяк ва мушаклар чиниқади. Ҳар хил бурилишлар, сакрашлар ва тўхтаб-ҳаракатланишлар танани тўлиқ ишлашга мажбур қилади. Айниқса, оёқ, бел, елка ва қўл мушаклари фаол кучаяди. Ҳаракат давомийлиги суяк зичлигини оширади, уларни мўртлашишдан ҳимоя қилади. Бу, айниқса, ўсиб келаётган ёшлар учун муҳим.


Рухий тетиклик манбаи. Стритбол танани чиниктириш билан бирга, руҳни ҳам энгиллаштиради. Рухий зўриқиш, асабийлик ва ички сиқилишларга қарши энг яхши даво,

бу — ҳаракатдир. Ҳар вақтида инсон танасида "бахт гормони" — эндорфинлар ажралади, бу эса кайфиятни кўтарди, руҳий тинчлик бағишлайди.

Жамоа билан тил топишини ўргатади. Стритбол ёлғиз ўйналмайди. Бу жамоавий спорт бўлиб, ҳар бир иштирокчидан мулоқот, тушуниш ва ҳамкорлик талаб қилади. Шу орқали ижтимоий кўникмалар шаклланади, инсон ўз ўрнини англайди, жамоадаги масъулиятни ҳис қилади. Айниқса, ёшлар учун бу — ижтимоий ҳаётга тайёрларлик мактаби.



Бу спорт тури учун фақат битта тўп, бир нечта дўст ва бир саватча кифоя. Энг асосийси, соғлиқни мустаҳкамлашга бўлган истак бўлса бас.



"МЎЖИЗАВИЙ ҚУЛУПНАЙ" САРАТОН ХАВФНИ КАМАЙТИРАДИ

Билиб қўйинг!

Қулупнайни мунтазам истеъмол қилиш инсон танасига ниҳоятда ижобий таъсир кўрсатади.

Жумладан:

- саратон ўсмалари қулупна тананинг яллиғланишига реакцияси

сифатида пайдо бўлади. Қулупнай таркибида бу жараённи блоклайдиган моддалар мавжуд, шунинг учун қулупнай ошқозон ва ичак саратонининг олдини олади;

- бу мева юрак учун жуда фойдали. Чунки қулупнай таркибида кўп миқдорда

юмшоқ ва қўпол хун толаси мавжуд бўлиб, бу юрак хуружи ва инсулть хавфини камайтиришга ёрдам беради.

- қулупнай танадаги "тўғри" ва "нотўғри" ҳолатларини даражасини тартибга солишга кўмаклашади.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Элдор ЁҚУБОВ. Қизирик тумани: — Мен бир танишимга музораба қилиш (шериклик) учун пул берганман. У бу пуллarga кийим-кечак олди-сотди билан шуғулланади. Мана шу кийимлардан сотиб олсам бўладими?

САВДО ШЕРИКЛИГИДА АХЛОҚ МЕЗОНИ УСТУВОР



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Ҳа, сиз сармойдор сифатида музораба асосида олиб келинган мол-дундан, яъни кийим-кечаклардан ўзингиз учун сотиб олишингиз мумкин. Бу фикрий жиҳатдан жоиз, яъни рухсат этилган. Шунингдек, музораба билан шуғулланаётган савдогар ҳам ўзи учун ушбу молни сотиб олиши мумкин.

Бирок бу ерда муҳим бир шарт бор. Сотиб олаётган томон (сармойдор ёки савдогар) бозордаги оддий мижозларга қандай нарҳда сотилаётган бўлса, айнан ўша нарҳда харид қилиши керак. Дейлик, савдогар бирор маҳсулот олиб келиб, бозорда уни 200 минг сўмга сотаётган бўлса, сиз ҳам сармойдор сифатида уни айнан шу нарҳда сотиб олишингиз зарур. Уни 150 минг сўмга олайлик, деган таклиф ножиоз саналади. Чунки бу ҳолатда сармойдор бошқа мижозлар олдида устунликка эга бўлиб қолади, бу эса исломий савдо — ахлоқ мезонларига зид.

Исломий молия тамойиллари адолат, манфаатдор томонлар ўртасида ҳалоллик ва ишонч асосида қурилган. Агар сармойдор ёки савдогар бозор нарҳидан паст баҳода ушбу молни сотиб олса, бу бошқа манфаатдор томоннинг ҳақини ейиш, музораба шартларини бузиш ҳисобланади.

Демак, сиз ўзингиз сармой берган савдогардан кийим сотиб олишингиз жоиз. Аммо шарт шуки, бозордаги нарҳда, ҳеч қандай чегирма ёки маҳсул алоқага таянган ҳолда эмас. Шунда иш ҳалол бўлади, ният тоза бўлади, барака келади.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 380 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-520



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.